

92К3
844

Р. Аминова

ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ



92K3

844

Р. АМИНОВА

оёскашуровано

ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

22 ✓

94 ФБ АН ЎзССР
65-29

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЕТИ
1991

Ушбу рисолада қайта қуриш даврида КПСС ва совет давлатининг социал сиёсати кенг кўламда ёритиб берилган. Миллий да-ромаднинг шаклланиши, жумҳуриятимиз саноати ва қишлоқ хўжа-лигида меҳнат қилаётган кишиларга тўланадиган иш ҳақи, уларни қўшимча ер билан таъминлаш, уларнинг маданий ва моддий фа-ровонлиги даражасини оширишга мўлжалланган тадбирлар ҳақи-да фикр юритилади.

Рисола кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир
тарих фанлари доктори И. А. АЛИМОВ

Тақризчи:
тарих фанлари номзоди Л. А. ЗАЛЬЦМАН

0605010404—380
А М 355 (04)—91 269—91 ©Ўзбекистон ССЖ ФА «Фан» нашриёти,
1991 й.

ISBN 5—648—01364—7

РАХИМА АМИНОВА

СОЦИАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРИОД ПЕРЕСТРОЙКИ

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон ССЖ ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир
ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган

Муҳаррир Х. Зарипова
Бадний муҳаррир А. Баҳромов
Техмуҳаррир Н. Абдурахмонова
Мусахҳиҳ М. Саидова

ИБ № 5677

Теришга берилди 22.03.91. Босишга рухсат этилди 05.06.91. Формати 84×108^{1/32}. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма. т. 2,52. Ҳисоб-нашриёт т. 2,5. 4300 нусха. Буюртма 102. Баҳоси 1 с.

ЎзССЖ ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССЖ ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, М. Горький шокўчаси, 79.

КИРИШ

1985 йил апрель Пленуми йўл очиб берган қайта қуришнинг стратегик мақсади аҳолининг моддий фаровонлиги ва маданий турмушини юксалтириш, социал адолат принципини амалга ошириш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, совет жамиятининг синф, қатлам ва гуруҳларини уйғунликда ривожлантиришни ўз ичига олган кенг социал вазифалар комплексини ҳал этишдан иборатдир. Сиёсатнинг бундай йўналиши инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қондиришга интилиш, жамиятнинг ахлоқий соғломлиги учун кураш каби ленинча принципларга қайтишни шарт қилиб қўяди. Бу сиёсатнинг ифодаси халқ хўжалигининг социал йўналиши, мамлакат хўжалик, сиёсий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида кўринади.

Коммунистик партия ишлаб чиққан социал программа бажарилишининг гарови эса кенг халқ оммасида фаоллик ва ташаббускорликнинг уйғониши, жамият ҳаётини демократиялаштириш, ошкоралик, тараққиётмизни ўн йилларча тўхтатиб келган турли стереотип ва ақидалардан воз кечишдан иборатдир.

Совет халқи инқилобий ўзгаришлар йўлидан ишонч билан юрмоқда. Ҳозирдаёқ кўп нарсага эришилди, жумладан социал сферада. Бироқ энди ҳам турғунлик даврида қолдиқ принципи бўйича режалаштириш туфайли оғир аҳволда бўлган бу соҳа ўтган беш йилликда ўнганмади. Бунини қисқа муддатда амалга ошириб бўлмаслиги табиий. Ҳамон консерватизм, қотиб қолганлик, расмийчилик ва бошқа ижтимоий иллатлар кучли. Ҳозирги инқилобий жараённинг мураккаблиги ва зиддиятлилиги меҳнаткашларнинг турмуш даражаси, социал ривожланишнинг бошқа соҳаларига салбий таъсир этмоқда. Шу муносабат билан социал ривожланишнинг объектив равишда тадқиқ этиш, инсон омилига эътибор-

сизликнинг сабаб ва оқибатларини чуқур ўрганиш ва тугатишга чуқур эҳтиёт сезилади. Тарихча ва бошқа ижтимоий соҳа олимлари зиммасида халқ турмуш даражасини ошириш бўйича қандай ишлар амалга оширилганини яқинлаш, озиқ-овқат, турар-жой ва бошқа социал муаммоларни бажаришда фойдаланилмаган резерв ва имкониятларни аниқлаш вазифаси турибди.

Партиянинг социал сиёсатини амалга оширишда маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш зарур. Маълумки, турғунлик мероси жумҳурият учун айниқса кадрлар сиёсатидаги қўпол хатолар, хўжалик ҳаётидаги жиддий номувофиқликлар, экологик мувозанатнинг бузилиши туфайли оғир кечди. Социал соҳага жумҳурият аҳолисининг кўп миллатлилиги, аҳоли нуфузи, ишсизлик каби омиллар ҳам таъсир кўрсатади.

Бу ва бошқа долзарб муаммоларни муваффақиятли ҳал этишда ошкоралик муҳити, жамият ҳаётини демократиялаштириш гаров бўлиб хизмат этади. Олимларимиз замонамизнинг энг зиддиятли, ўткир муаммолари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш имконига эга бўлдилар. Ушбу рисола ҳам шундай уринишлар маҳсули сифатида юзага келди.

ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ЖАМИЯТНИНГ СОЦИАЛ-СИНФИЙ ТАРҚИБИ

Улуғ Октябрнинг дастлабки йилларидаёқ социал ривожланиш масалалари СССРда социалистик ўзгаришлар марказида турди. Бу, марксизм-ленинизм маъмуни, унинг синфийлик моҳияти билан боғлиқ. Маълумки, Октябрь инқилобининг мақсади социал жиҳатдан альтернатив, яъни муқобил жамият — кишилик жамияти социал ташкилотининг олий шаклини шакллантириш эди. Социал ривожланиш масалаларига эътиборнинг сусайиши эса совет давлат системасининг ҳаётий фаолияти учун жиддий оқибатларни келтириб чиқарди.

«Сўнгги беш йилликларда, — деб таъкидланади КПСС МК нинг 1987 йил январь Пленумида, — иқтисоднинг социал йўналиши кучсизланган бўлиб чиқди, социал масалаларга ўзига хос қарлик юзага келди. Бугун биз бу нимага олиб келганини кўриб турибмиз. Аҳолини иш билан таъминлашни муваффақиятли ҳал этиб, принципаал характердаги социал гарантияларни таъминлаб, биз айни пайтда турар-жой шароитларини яхшилашда, озиқ-овқат таъминоти, транспортни ташкил этиш, тиббий хизмат, таълим-тарбия ва бошқа бир қатор ҳаётий муаммоларни ҳал этишда социализм имкониятларини тўлиқ реализация эта олмадик». Меҳнаткашлар турмушидаги социал муаммоларга эътиборнинг сусайиши уларнинг меҳнат фаоллиги, ижтимоий ишлаб чиқаришга қизиқишининг пасайишига, социал-сиёсий лоқайдликка олиб келди. Бу эса совет жамияти ҳаётидаги турғунлик кўринишлари, ғайриахлоқий тенденцияларнинг намоён бўлиши учун озиқ манбаи бўлди.

Мана нима учун партия қайта қуриш жараёнида биринчи ўринга туб социал масалаларни ҳал этишни қўйиб, белгиланган инқилобий ўзгаришларнинг барча режалари улар муваффақияти билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Сўнгги йиллардаги партия ҳужжатларида партия-

нинг социал сиёсати сарҳадлари, унинг мақсад, вази-
фалари, асосий бўғинлари аниқ белгиланган. У совет
жамияти ҳаётининг бошқа соҳаларидаги кенг муаммо-
ларни — иқтисодий, сиёсий, маданий, мафкуравий муам-
моларни ўз ичига олади. XXVII съезд материалларида
партия социал сиёсатининг ҳозирги босқичдаги қуйида-
ги таркибий қисмлари белгиланган:

— совет кишиларининг турмуш ва меҳнат шароит-
ларини оғишмай яхшилаш;

— социал адолат принципини ижтимоий муносабат-
ларнинг барча соҳаларида тўлароқ амалга ошириш;

— миллий муносабатларни такомиллаштириш, мам-
лакат халқлари ва элатлари биродарларча дўстлигини
мустаҳкамлаш¹.

Қайта қуриш Ўзбекистондаги барча синф ва қат-
ламлар — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёли-
ларнинг социал ролини оширишга олиб келди.

Бу синф коммунистик партия, комсомол ва жамоат
ташкилотларининг ўзагини ташкил этади.

Инқилобий ўзгаришлар марказида ишчи синфи ту-
рибди. Унинг социалистик жамиятдаги роли кўпгина
омилларга эга, биринчи навбатда, айнан меҳнат коллек-
тивлари қайта қуришнинг иқтисодий базасини яратмоқ-
да, халқ хўжалигининг барча соҳаларини замонавий
машина ва асбоб-ускуналар билан таъминламоқда,
фан-техника тараққиётининг олдида бормоқда. Жум-
ҳурият ишчи синфининг қишлоқ хўжалигига ёрдам
кўрсатаётган қисми колхозчи деҳқонлар билан бирга
пахтачиликни ривожлантиришда, бошқа қишлоқ хўжа-
лиги соҳаларида, Озиқ-овқат дастурини бажаришда
муаммоларни ҳал этмоқда. Улар мамлакатда сиёсий
система ислоҳотида фаол қатнашмоқда. Ишчилар сафи-
дан кўплаб қобилиятли зиёлилар, раҳбар ходимлар
етишиб чиққан. Меҳнаткашларни қайта қуриш учун
курашда бирлаштиришда сафарбарлик ролини ўйнаёт-
ган ишчилар синфи шонли инқилобий ва меҳнат анъ-
аналарига эга.

Ўзбекистонда ишчи синфи ўз ижтимоий ролини
амалга оширишнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари
бор. Мамлакатда бўлгани каби у сони жиҳатидан кол-
хозчи деҳқон ва зиёлиларга нисбатан кўпчиликни, меҳ-
натга лойиқатли аҳолининг 53 фоизини ташкил этади.
Шунга қарамай у мамлакатдагига нисбатан анча кам,

¹ Материалы XXVII съезда Коммунистической партии Со-
ветского Союза, М., 1986, с. 150—151.

бунга шаҳар аҳолисининг нисбатан камлиги сабаб. Жумҳурият ишчи синфи таркибида аёллар улуши умумиттифоққа нисбатан бир неча бор кам. Бу ҳол аксари оилалардаги кўп болалик аёлларнинг бола тарбияси, уй ва томорқа юмушлари билан бандлиги, шунингдек миллий турмуш тарзи билан изоҳланади. Ўзбекистонда ишчилар синфининг ажралиб турган хусусияти Иттифоққа нисбатан кам саноат марказларига жамланганидир. Тошкент ва пойтахт вилоятида жумҳурият ишчи синфининг 40 фоизига яқини банд.

Ўзбекистон ишчилар синфининг характерли хусусияти унинг кўпмиллатлигидир. Унинг сафида юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари мавжуд. Турли миллатлар ўртасида меҳнат коллективларида дўстлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари таркиб топган. Бу тенденция КПСС XXVII съезди резолюциялари ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ишлаб чиққан миллий сиёсат курсига мувофиқ кейинги чуқурлаштириш ва ривожлантиришга муҳтож.

Айни пайтда Ўзбекистондаги ишчилар синфи сафларида маҳаллий аҳоли салмоғи етарли эмас. 1983 йилги маълумотга кўра (кейинги йилларники эълон қилинмаган) ўзбеклар жумҳурият ишчиларининг 45,7 фоизини, айни пайтда унинг улуши жами аҳолининг 70 фоизини ташкил этган². Айниқса ўзбек ишчиларининг сони оғир саноатда, хусусан машинасозлик ва металл қайта ишлаш, кимё соҳаларида кам бўлиб, атиги 20—25 фоизни ташкил этди. Саноат яхши ривожланмаган ноҳия ва вилоятлардаги меҳнат ресурсларига эҳтиёж кучли. Уларни, биринчи галда, саноат ва транспорт соҳаларига жалб этиш муҳим иқтисодий вазифадир. Бу муаммони ҳал этишда ишчи кадрини ошириш, дастлаб, меҳнат самарадорлигини юксалтириш ва шунга яраша ойлик иш ҳақини кўпайтиришга эришишни таъминлаш; умумтаълим мактабларининг юқори синфларида ёшларни касбга йўллашни, мактабда касбга тайёрлашни яхшилаш; биринчи галда Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Жиззах каби вилоятларда маҳаллий ресурслардан фойдаланиб, янги саноат корхоналари барпо этиш, бундай корхоналар филиалларини кўпайтириш, ҳунартехника билим юртлари тармоғини кенгайтириш ва оқилона территориал тақсимотга эришиш талаб этилади. Қишлоқ аҳолисини саноатга жалб этиш шаклларидан бири уларни ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноат соҳала-

² «Коммунист Узбекистана», 1985, № 10, с. 38.

рида ишлашларига имкон беришдир. Бу усул Тошкент, Самарқанд ва бошқа йирик саноат марказларида яхши синалган.

Озиқ-овқат дастурини, жумҳурият қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим йўналишларини бажаришда колхозчи деҳқонларнинг роли ошмоқда. Бободеҳқонларимиз пахта ва бошқа экинлар етиштиришда, чорвачиликни ривожлантиришда бой тажрибага эгадирлар. Бу, тарихий шаклланган деҳқончилик касбига кўникма ҳосил қилиш, она заминга муҳаббат ила муносабатда бўлиш билан изоҳланади. Сўнгги йилларда колхозчилар сони илгарига нисбатан бирмунча кўпайди. Улар сони 1987 йили 996,9 минг кишидан 1005,0 минг кишига ортди.

Колхозчилар сафида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда: механизаторлар улуши, олий ва ўрта махсус таълим олган мутахассислар сони ортмоқда, маданий эҳтиёжлар юксалмоқда.

Айни пайтда 70—80-йиллар ярмида колхоз ишлаб чиқаришида салбий оқибатларга олиб келган жиддий қийинчиликлар юзага келди. Бу, кўп жиҳатдан маҳаллий омилларга баҳо бера билмаслик, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги хатолар, турли суиистеъмолчиликлар туфайли содир бўлди. Қишлоқ хўжалиги экстенсив характер касб этди, сув ресурслари ва техникадан қониқарсиз фойдаланилди. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг кўплаб тармоқларида техника келтирилганига қарамай, қўл меҳнати кўпайди. Жумҳуриятдаги машина-трактор парки эскирди, кўпгина машина турлари бизнинг шароитга тўғри келмай қолди. Натижада меҳнат самарадорлиги пасайди, маҳсулот таннари ошди, ишлаб чиқариш рентабеллиги тушиб кетди.

Асосий қишлоқ хўжалик соҳаси пахтачилик бўлган Ўзбекистонда қишлоқ жойдаги томорқа хўжалигига узоқ вақт зарур эътибор қаратилмади. Ваҳолонки, бу хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг салмоқли қисми етиштирилади.

Кадрлар масаласига келсак, биргина фактнинг ўзи етарли: ҳар йили колхоз раислари, совхоз директорлари ва бошқаларнинг 20 дан 30 фоизигача алмаштирилар экан³. Асоссиз сабабларга кўра ишдан бўшатишлар ҳамон учрамоқда.

Қишлоқ умумтаълим ва ҳунар-таълим мактаблари жиддий қайта қуришга муҳтож. Бундай мактабларда йилига 4—5 ойлаб қишлоқ хўжалик ишларига жалб

³ «Правда Востока», 15 марта 1988 г.

этилган колхозчининг таълим савияси кўнгилдагидек эмас. Натижада билимли колхозчилар сафидан етарли таълимга, ҳеч қандай махсус касбга эга бўлмаган, технологияни, меҳнатнинг илмий методларини тушунишга ноқобил кишилар ҳам жой олмоқда.

Социалистик қурилиш амалиёти шуни кўрсатадики, совет жамияти ҳаётий фаолияти барча соҳаларининг ривожини зиёлиларнинг алоҳида социал қатлам сифатидаги ижтимоий ролининг ошиб бориши билан боғлиқ.

Зиёлилар — илмий ходимлар, агрономлар, муҳандислар, ўқитувчилар, шифокорлар сони муттасил ошмоқда. Жумҳурият халқ хўжалигида улар сони 1985—1987 йилларда 65 минг кишига ошди. 1985 йилда ишлаб чиқариш соҳасида 26,4 фоиз жумҳурият ақлий меҳнат ходимлари банд бўлиб, улардан соғлиқни сақлаш, халқ таълими, фан ва илмий хизматдагилар 19,4 фоизни ташкил этди.

Олий маълумотлилар сони зиёлилар орасида ортиб борди. Улар сони қайта қуриш йилларида 40,9 минг кишига ортиб, 1988 йили 770,0 минг кишини ташкил этди⁴.

Айни пайтда бошқарув аппаратида банд бўлган мутахассислар сонининг қисқариши тенденцияси кузатилди. Илмий ходимлар сони ҳам сал бўлса-да қисқарди. Фан докторлари ва фан номзодлари сони эса кўпайди, яъни жумҳуриятда илмий кадрлар сифат жиҳатдан ўсди.

Турғунлик кўринишлари аёллар ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этди. Аёл-меҳнаткаш, аёл-онанинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган чинакам тараққийпарвар қонунчилик ҳаётга ҳар доим ҳам тўғри татбиқ этилмади.

Кейинги пайтда жамиятимиз аёлларининг оғир аҳволи ҳақида очиқ ёзилмоқда. Агар биз илгари халқ хўжалигида банд кишиларнинг ярмидан ортигини аёллар ташкил этишидан мағрурланган бўлсак, бугун бу нарсанинг қанчалик йўқотишлар эвазига бўлгани тушунарли.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси аёллар масаласини давлат миқёсида қўйди. Аёллар эришган муваффақиятлар қатори уларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга кўп жиҳатдан халақит бераётган муаммолар ҳали ҳам ҳал этилмаган.

Ҳозирда аёллар жумҳурият аҳолисининг ярмидан кўпрогини ташкил этади. Умумий ишчи ва хизматчиларнинг 43 фоизидан кўпроғи аёллардир. Ишлаётган аёл-

⁴ Узбекская ССР в цифрах в 1988 г. Ташкент, 1989, с. 120.

ларнинг 53 фоизи шаҳар саноатида банд, аёллар соғлиқни сақлаш, кредитлаш ва давлат суғуртаси, халқ таълими, савдо ва жамоат овқатланиш системасида салмоқли ўрин тутати.

Жумҳурият қишлоқ хўжалигидаги банд аёллар сони кўпаймоқда. Улар колхозчилар йиллик ўртача сонининг 49 фоизини ташкил этади. Айниқса Фарғона ва Хоразм вилояти колхозларида аёллар салмоғи юқори⁵.

Кейинги йилларда маҳаллий аҳоли аёлларининг иш билан машғуллиги даражаси ошди. Ишчи ва хизматчилар орасида ўзбек аёллари сони кейинги 10 йил ичида деярли икки баравар ортди. Улар қишлоқ хўжалигида ишлаётган аёлларнинг 77,1 фоизини ташкил этади⁶.

1989 йили жумҳурият халқ хўжалигида 816 минг мутахассис аёллар ишлади ёки бу олий ва ўрта махсус таълим олган умумий мутахассисларнинг 51 фоизини ташкил этади⁷. Аёллар олий ва ўрта махсус таълим олиш талаб этиладиган кўпгина касблар хизматчилари орасида кўпчилики — 51,2 фоизини ташкил этади. Улар врачларнинг 57,5, библиограф ва кутубхоначиларнинг 76,5, педагогларнинг 59,2 фоизини ташкил этади.

Фан соҳасида ишлаётган аёллар сони ва улуши доимо ўсмоқда. Ҳозирги пайтда 14,8 минг аёл жумҳурият барча илмий муассасаларида меҳнат қилмоқда⁸. Кўплари нафақат медицина ташкилотлари ва гуманитар соҳаларда, шунингдек техника йўналишларида ҳам муваффақият билан ишламоқда.

Айниқса халқ хўжалиги мутахассислари орасида ўзбек аёллари сони ўсаётгани диққатга сазовор. Улар сони сўнгги ўн йил ичида 2,3 марта ўсди. Бу ҳол мутахассис аёллар умумий сонининг ўсиши уларнинг ишчи ва хизматчилар таркибидаги сонига нисбатан фаолроқ кечаётганидан дарак беради.

Шундай қилиб ҳозирги пайтда меҳнатни интеллектуаллаштиришнинг умумий жараёни ақлий меҳнат билан банд бўлган аёллар сони ва ролини ошиши билан характерланади. Бу ҳол ўз-ўзидан аёлларнинг жумҳурият ва мамлакат тараққиётига қўшган ҳиссасини оширади. Айни пайтда аёлларнинг олий умумтаълим даражаси уларнинг касбий машғуллигига мос келмайди. Шу факт кишини ранжитадики, аёлларнинг кам

⁵ Женщины в СССР. М., 1989, с. 18.

⁶ «Правда Востока», 8 марта 1989 г.

⁷ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г., с. 28.

⁸ Там же, с. 146.

малакали ёки малакасиз меҳнат билан машғуллиги эркакларга нисбатан ортиқ. Жумҳурият саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар улуши мамлакатга нисбатан юқори. Жумҳурият саноатида қўл меҳнати салмоғи 35,3 фоизни ташкил этган бўлса, аёллар орасида эса 42,5 фоиздан иборат бўлди. Ҳали аёлларнинг оғир жисмоний меҳнати тугатилмаган⁹.

Бу муаммолар икки гуруҳ сабабга боғлиқ. Биринчиси, аёллар меҳнати одатда кўп бўлган ишлаб чиқаришда техник жиҳозлаш даражасининг етарли эмаслигидир. Маълумки, фан-техника тараққиёти таъсирида илғор технологияни қўллаш туфайли ишчи кучи сифати, малакаси даражасининг ўсиши рўй беради. Айни пайтда саноатнинг етакчи соҳаларига нисбатан тўқимачилик-тиқувчилик, озиқ-овқат саноатида техник жиҳозланиш, меҳнат шароити ва режими анча паст.

Иккинчидан, аёлларни касбга тайёрлаш қониқарли даражада эмас. Хунар-техника билим юртлари ўқувчилари орасида ижтимоий ишлаб чиқаришга келаётган қизлар сони кам. Бундай ишлаб чиқаришдаги аёлларга эса ўқиб-ўрганиш учун вақт етишмаслигини ҳам айтиш керак. Оила ташвишлари билан банд аёллар ўз касбини такомиллаштириш учун эркаклар каби имконга эга эмас, фарқ жуда катта. Натижада улар маошида чекланиш бўлмаса ҳам, малакадаги бу фарқ туфайли аёллар эркаклардан кам ҳақ олади.

Ҳам касбга тайёрлаш, ҳам малака ошириш система-сидаги мавжуд система ёмон ишлаётгани учун бундай вазият юзага келган. Ҳамма хўжалик раҳбарлари ҳам ўз ходимлари учун зарур шароитни яратиб бермаганлар.

Бу иш туққандан кейинги декрет отпусказидан ишлаб чиқаришга қайтган аёллар орасида йўлга қўйилмаган. Шунинг учун ҳам мамлакатда 85 фоиз ишловчи аёллар декрет отпусказидан қайтгач, таълим олишни, малака оширишни давом эттирмайди.

Аёлларнинг меҳнатга тенг ҳуқуқи реал гаровини таъминлаш таълим олаётган ва малакасини ошираётганлар орасида аёллар улуши у ёки бу бошқа ишлаб чиқаришда банд аёлларникидек бўлишини талаб этади.

Айтиш керакки, аёллар малакасининг паст даражаси улар ишчи кучининг оммавий касблар ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда кенг фойдаланишга олиб келади. Бу ерда асосан мураккаб бўлмаган меҳнат ва тариф раз-

⁹ «Правда Востока», 8 марта 1989 г.

рядларининг чекланган имкониятлари бу гуруҳдаги ходималарнинг ўз малакаларини оширишга қизиқмасликларини белгилайди.

Бундан ташқари, ёш болали аёллар учун малакаларини ошириш эмас, балки оилавий қизиқишлар нуқтаи назаридан ишлаш биринчи ўринга қўйилади.

Аёлларда касб маҳоратини ўстириш билан бир қаторда ҳозирги шароитда уларни оғир жисмоний меҳнат ва зарарли ишлардан озод этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда, масалан, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришда анча ишлар қилинмоқда. Бироқ 1988 йил январига қадар бўлган маълумотларга кўра, жумҳуриятда 145 минг иш жойи меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига тўғри келмайдиган, 112,5 минг аёл кучи шовқинда, чанг ва газланган, ёмон ёритилган, ҳарорат режими ноқулай шароитда, 43,8 минг аёл эса тунги сменада ишламоқда¹⁰.

Қишлоқ хўжалигида, айниқса сабзавотчилик, чорвачилик каби соҳаларда қўл меҳнатининг улуши катта. Бу соҳаларда асосий ишловчи куч аёллардир. Қишлоқ аёлининг пахтачиликдаги оғир меҳнати қайта қуриш йиллари яққол намоён бўлди. Бу оғир шароит аёллар аҳволига ҳам, умуман жамият аҳволига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Оилавий муносабатларда патриархал-феодал сарқитларга қарши кураш Ўзбекистон учун ўзига хос хусусиятлардандир. Бу сарқитлар Совет ҳокимиятига 70 йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай ўзини намоён этиб турибди.

Қабул қилиб келинган қонунлар, амалга оширилган тadbирлар асосан аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга қаратиш, ишлаб чиқариш илғорларини мақташга йўналтирилди. Уларнинг турмуши, ҳаёти, оиласи муаммоларига етарли эътибор берилмади. Айниқса қишлоқда социал, маданий ва маиший соҳалардаги қаровсизлик аёлларнинг турмушини янада мураккаблаштириб юборди.

Турғунлик йиллари жумҳуриятимиз айрим раҳбарларининг бебошлиги, қуюшқондан чиққанлиги аёлларнинг ҳақиқатни айтишларига имкон бермай, уларни чорасизликка, айниқса ички исёни ифода этишининг энг оғир йўли бўлган — ўзини ўз ёқига олиб келди. 1986—1987 йилларда оиладаги мураккаб аҳволга чидай олмаган 290 аёл ўз-ўзини ёқди. Бу фожиаларнинг энг

¹⁰ «Правда Востока», 24 июня 1988 г.

кўпи Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятлари, Ургут, Китоб, Пойариқ ноҳияларида рўй берди. Ўйлаб даҳшатга тушасан киши: ҳужум йиллари деярли шунча аёл фанатиклар қўлида жон берган эди.

Аёллар турмуши ва меҳнати ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, социал соҳани тубдан яхшилашгина бундай фожиалар олдини олишга хизмат қилади.

Аёллар аҳволининг ҳозирги муаммоларини Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар асосида ҳал этиш мумкинлиги қайта қуришнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Бу масалалар бўйича бизда сўнгги йилларда 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинган. Бироқ ҳукумат қарорлари суғ бажарилмоқда.

Совет халқи умумий фаровонлигининг оширилиши аёллар аҳволининг яхшиланиши, моддий ва маданий даражасининг юксалишига таъсир этади. Оналарга ҳар томонлама ёрдам учун йўналтирилган давлат социал дастурини амалга оширмоқ лозим. Унда кўп болали оилалар даромадини ошириш ва тураржой ҳамда маиший шароитларини яхшилаш, мактабгача бўлган муассасалар тармоғини ривожлантириш, маиший хизмат, жамоат овқатланиши системасини такомиллаштириш кўзда тутилади.

Партия социал сиёсатининг ижро этилиши унинг ўзига хос хусусиятларига эҳтиёткорона, ўйлаб ёндашишни талаб этади. Шундай ўзига хосликлардан бири — демографик вазиятдир. Жумҳуриятимиз аҳолисининг кўпайиши суръатлари иттифоқ кўрсаткичларига қараганда 3,5 баравар кўп. Сўнгги 6 йилда аҳолимиз 3 миллион нафарга кўпайди. Бу ҳол социал таъминот учун ўзига хос муаммоларни юзага келтирди; мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига кучли эҳтиёж, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш корхоналарини ривожлантириш бўйича қўшимча чоралар кўриш шу жумладандир. Кўп туғиш эса аҳоли таркибида кичик ёшли гуруҳлар улушининг ошишига олиб келганини ҳам ҳисобга олиш керак. Бунинг оқибатида жумҳурият аҳолисининг 40 фоиздан ортиғини боқимандалар ташкил этади. Саноат ва қишлоқ ҳўжалигида меҳнат ишлаб чиқариши мамлакатдагига нисбатан 1,5—2 баравар кам. Бундай кетаваришда жумҳурият аҳолисининг муҳим кўрсаткичлар бўйича турмуш даражаси жуда секин ўсади, СССР ва жумҳуриятимиз ўртасидаги бу фарқ эса кенгаймоқда.

Жумҳурият аҳолиси ҳозир йигирма миллиондан ор-

тиқ бўлиб, ЎзССР ФА Тарих институти маълумотларига кўра, иш билан банд бўлмаган кишилар 1 миллионга яқиндир¹¹.

Ўзбекистонда халқ хўжалиги режаларига мувофиқ ўн иккинчи беш йилликда ижтимоий ишлаб чиқаришга 1 миллион 147 минг киши жалб этилмоғи керак. Бироқ, ҳозирги суръатда кетилса, бунинг учун 5 йил эмас, 10 йил керак бўлади¹². Кўп сменали иш режимига ўтиш секин суръатларда кетмоқда: 1108 корхонадан атиги 278 таси бундай режимга ўтган холос.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш, корхоналарни икки ва уч сменали иш режимига ўтказиш, ишлаб чиқариш корхоналарини кенгайтириш ва янгиларини қуриш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш кутилган натижаларни бермаяпти. Ишсизлар сони янада ошмоқда.

2000 йилда аҳолимиз сони 26—27 миллионга етганда бу муаммо янада ўткир тус оладики, уни ҳал этиш бўйича комплекс демографик дастурни ишлаб чиқиш ва қабул этиш зарур бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, партиянинг социал сиёсатида халқнинг турмуш даражасини ошириш ва социал адолат принципларини жорий этиш марказий ўрин тутади. Улар бошқа бўғинлар, биринчи галда миллий муносабатлар билан диалектик ўзаро алоқада бўлади. Социал адолат принципи мамлакат халқ ва элатлари ўртасидаги дўстликни, демакки, СССР халқлари маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат яшайди, шу боис миллатлараро муносабатлар масаласи алоҳида долзарблик касб этади. Иқтисод, маданият, ижтимоий муносабатлар соҳаларида эришилган муваффақиятлар меҳнаткашларнинг маънавий байналмилал бирлиги туфайлидир.

Айни пайтда Сталин шахсига сиғиниш ва 60—70-йиллар ўртасигача давом этган турғунлик даврларида миллий сиёсатнинг ленинча принципларидан чекинилди. Миллатлараро муносабатлар соҳасида тўлиқ уйғунликка эришилди деб таъкидланди. Иттифоқдош жумҳуриятлар иқтисодий ривожланиши даражасини тенглаштиришдаги дастлабки ютуқлар мустаҳкамланмади. Натижада Ўзбекистон ССР аҳоли жон бошига миллий да-

¹¹ «Правда Востока», 3 февраля 1988 г.

¹² «Коммунист Узбекистана», 1988, № 5, с. 36.

ХУЛОСА

Юқорида жумҳуриятимизда кечаётган катта миқёсдаги чуқур ўзгаришлар ҳақида сўз юритилади. Сиёсий, иқтисодий, социал, маданий ўзгаришлар куч йиғмоқда, янгича сифат мазмун билан бойимоқда, меҳнаткашлар оммасининг янги-янги кучларини ўз доирасига тортмоқда.

Қайта қуришнинг нисбатан қисқа даврида асосий йўналиш — халқ хўжалигида муайян силжишлар рўй берди. Унинг социал йўналиши кучайди, оммавий истеъмол товарлари, жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг маълум даражада ўсиши рўй берди.

Радикал иқтисодий иқтисодиётни ўтказиш, хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, демократия ва ишлаб чиқаришни марказлаштириш халқ хўжалиги тараққиётининг истиқболдаги гаровидир. Лекин эришилган ютуқлар меҳнаткашлар эҳтиёжини ҳали тўла қондиргани йўқ, ҳалол ва юқори самарали меҳнатни рағбатлантириш учун янги стимуллари яратиш керак.

Жумҳурият халқ хўжалигининг социал йўналиши қайта қуришнинг эътиборли жиҳатларидандир. Хўжалик аҳволининг муайян соғломлашуви соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ишларини яхшилаш бўйича тадбирлар кўриш имконини берди. Лекин бу ва бошқа соҳалардаги аҳвол яхшиланиши керак.

Ўзбекистон — кўпмиллатли жумҳурият. Қайта қуриш муваффақияти кўп жиҳатдан соғлом миллатлараро муносабатлар, маҳаллий ва бошқа барча миллатларнинг уйғунликда ривожланиши, меҳнаткашларни байналмилал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича таъсирчан тадбирлар кўришга боғлиқ.

Қайта қуришнинг марказий йўналиши радикал сиёсий ислохот ўтказишдир. У ҳуқуқий социалистик давлатнинг ленинча нормаларига қайтиш, Советлар, касабасоюзлар, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари ролини ошириш совет жамияти қайта ташкил топган демократик асосларнинг мустаҳкамлаш белгиси остида ўтади. Ошкоралик, очиқ фикр юритиш муҳити яратилмоқда.

Қайта қуришнинг ривожлана боришида коммунист-тик партиянинг роли бор. Коммунистлар қайта қуриш-нинг олдинги сафларида турибди. Инқилобий ўзгариш-лар назарий асосларини ишлаб чиқиш ва ривожланти-ришда, оммани сафарбар этишда уларнинг алоҳида роли бор.

Ўзбекистонда қайта қуриш йиллари социал соҳада маълум силжишлар рўй берган бўлса-да, жумҳуриятда аҳвол мураккаб бўлиб қолмоқда, кўп муаммолар ҳал этилмай қолмоқда. Шу муносабат билан жамиятшунос олимлар олдида барча муаммолар йўналиши бўйича янги илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқиш вазифаси турибди.

1. Социал ривожланишнинг тўлиқ, илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш. У регионал хусусиятлар-ни, ҳар бир жумҳурият тарихий тажрибасини ҳисобга олади.

2. Социал масалаларни иқтисодий, сиёсий, маънавий ўзгаришлар билан яқиндан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш лозим.

3. Жумҳурият социал ривожланишидаги салбий кў-ринишлар сабаблари чуқур таҳлилга муҳтож. Уларни фақат турғунлик йиллари билан боғлаш тўғри эмас. Қайта қуриш — янги йўлларни излаш, бу йўлда унинг ўз қонуният ва қийинчиликлари юзага келади.

4. Социал-синфий структура муаммоси долзарб бў-либ қолмоқда. «Ишчи синфи — колхозчи деҳқонлар — зиёлилар» учлик формуласи қайта кўриб чиқилиши ке-рак. Ҳозирги шароитда синфлар, социал гуруҳ ва қат-ламлар ривожланишининг асосий тенденция ва қону-ниятларини фундаментал тадқиқ этиш, социал мансуб-ликнинг анча аниқ мезонларини ишлаб чиқиш керак. Ўзбекистон шароитида миллий ишчи кадрлар салмоғини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда қишлоқ жойларда деҳқонларга хўжалик масалаларини ҳал этишда, ижара пудратини тадбиқ қилишда катта имко-ниятлар берилгани муносабати билан қишлоқ жойлар-да рўй бераётган социал-синфий жараёнларга аҳамият бериш зарур. Яқин пайтгача тўғри баҳоланмаган зиёли-ларнинг қайта қуриш жараёнидаги социал ролини чуқур акс эттириш керак.

Жамиятшунос олимлар, биринчи галда, қишлоқ жой-даги ишчи кучидан фойдаланишнинг илмий-асосли шак-лини ишлаб чиқишлари лозим.

Кўпмиллатли Ўзбекистонда миллий муносабат-ларни такомиллаштириш муҳим муаммо. Бу муаммода

қуйидагиларни ажратиш лозим: миллий ва шовинистик рецидивларни енгиш йўллариини излаш, тил масаласи, Ўзбекистонда яшайдиган барча халқлар маънавий эҳтиёжини қондириш, жумҳурият маъмурий-сиёсий мустақиллигига эришиш, энг яхши миллий анъаналарни тиклаш.

Миллий муносабатларнинг иқтисодий жиҳатларини яхшилаш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон халқ хўжалигининг жонланишига, у ва бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасида моддий маблағларни анча одилонатақсимлашга чинакам хўжалик ҳисобини тадбиқ этиш саноат ва қишлоқ хўжалигини бошқариш ва режалаштириш усуллариини яхшилашга имкон беради.

Партия социал сиёсатининг муҳим бўғини меҳнаткашлар турмуш даражасини оширишдир. Тарихчилар иқтисодчилар билан ҳамкорликда озиқ-овқат, тураржой ва бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича таъсирчан чоралар таклиф этиши лозим. Болалар ўлимининг юқорилиги, ёш оналарнинг кўп касал бўлиши сабаблари тугатилмаган. Бу муаммо бўйича жамиятшунос олимлар ўз ҳукм ва таклифларини беришлари лозим.

Хотин-қизлар меҳнати ва турмушини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса минглаб аёлларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш имконини беради. Аёлларга феодал муносабатда бўлишга қарши кескин курашиш лозим.

Демографик ва экологик муаммолар Ўзбекистон учун хос социал масалалардандир. Жумҳурият аҳолисининг юқори табиий ўсиши тегишлича социал таъминотни, аҳоли машғуллиги муаммоларини ҳал этишни талаб қилади.

Атроф муҳитни муҳофаза этиш сув ресурсларини тугатаётган, тупроқни заҳарли химикатлар билан зарарлантираётган, ҳозиргача ҳал этилмаган пахта якказироатчилиги муаммоси билан узлуксиз боғлиқ.

Бу вазифаларнинг ишланмаси қайта қуришнинг бундан кейинги ютуқлари, сиёсий ва иқтисодий ислохотни амалга ошириш, совет халқи, партия XXVII съезди олдида қўйилган вазифаларни бажаришнинг гаровидир.

Ўзбекистон Республикасида
1989 йил 12 июль
Тошкент